

# ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚАРАШЛИЛИК/ТЕГИШЛИЛИК МАЊНОСИНинг МОРФОЛОГИК УСУЛДА ИФОДАЛАНИШИ

Мухаббат КУРБАНОВА\*

М. ИСМОИЛОВА\*

**Аннотация:** Ўзбек тили грамматикасида эгалик аффиксининг бош келишиқдаги негиз билан боғланишида ишлатилиши мураккаб ҳодиса бўлиб, шулардан бири шаклан қаратувчи-қаралмиш конструкциясига, мазмунан эса изохловчи-изохланмиш конструкциясига ўхшаб кетадиган синтактик бирликлар эканлиги уқтирилади. Бундай конструкциялардаги биринчи компонентнинг изохловчига, иккинчи компонентнинг қаралмишга ўхшаш эканидан фойдаланиб, бу тур бирикма изохловчи-қаралмиш конструкцияси деб номланади. Изохловчи-қаралмиш конструкциясининг бу турида факат III шахс эгалик аффикси ишлатилади, эгалик аффиксини ишлатиш одатда зарурй бўлади, баъзан эгалик аффикси факультатив ҳолат қашф этади.

Иккинчи компонентдан қарашлилик мањноси эмас, таъкид мањноси англашилса, биринчи компонентни бош келишикда деб, қарашлилик мањноси англашилса, қаратқич келишигига деб ҳукм чиқариш лозим. Бунда қаратқич келишиги белгили шаклда бўлади, албатта. Қадимги туркий тилда ҳам отлар эгалик қўшимчасини олиб, нарса ва предметнинг учта шахсдан бирига тегишилигини, қарашлигини ифодалайди. Эгаликни ифодалашнинг энг машҳур усули морфологик усулдир. Морфологик усул билан бирлик ва кўплиқда ифодаланади.

**Калит Сўзлар:** Синтактик, Морфологик, Аффикс, Посессор, Коррелят

## Morphological Expression of the Meaning of Belongingness /Relevance in The Uzbek Language

**Abstract.** In Uzbek language grammar, the use of the possessive affix in connection with the base in the main agreement is a complex phenomenon, and it is said that one of them is syntactic units that are similar in form to the construction of the referent-objective construction, and in terms of the construction of the explanatory-explained construction. Using the fact that the first component in such constructions is similar to the referent, and the second component is similar to the subject, this type of combination is called an interpretative-subjective construction. In this type of explanatory-objective construction, only the third person possessive affix is used, the use of the possessive affix is usually necessary, sometimes the possessive affix finds a facultative case.

If the meaning of emphasis is not understood from the second component, then the first component should be judged to be in the main agreement, and if the meaning of ownership is understood, then it should be judged that it is in the nominative agreement. In this case, the demonstrative agreement is in the definite form, of course. In the old Turkish language, nouns take a possessive suffix and express that things and objects belong to one of the three persons. The most popular way of expressing possession is the morphological way. It is expressed in singular and plural by morphological method.

**Key Words:** Syntactic, Morphological, Affix, Possessor, Correlate

## Кириш

Ҳар бир тилда қарашлилик/тегишилилик мањноси шу тилнинг ички хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда турли усувларда ифодаланади. Ўзбек тилида қарашлилик/тегишилилик мањносининг ифодаланиш усувлари илмий адабиётларда ҳар хил кўрсатилган. Жумладан, дастлабки “Ўзбек тили грамматикаси” китоби муаллифи А.Н.Кононов тилда эгалик қилинувчи предметга эгалик қилувчи шахснинг муносабатини ифодаловчи воситаларни эгалик категорияси бирликларига бирлаштирган. Унинг баён қилишича, бу категория тўрт хил усуlda ифодаланади: 1) эгалик аффикслари (морфологик усул – М.И.); 2) қаратқич келишиқдаги кишилик олмошлари ва эгалик аффикслари (плеонастик усул); 3) қаратқич келишиқдаги кишилик олмошлари (синтактик – М.И.); 4) эгалик мањносини ифодаловчи мустақил олмошлар (синтактик – М.И.). Олим эгалик мањносини ифодаловчи бу воситалардан биринчи ва иккинчиси морфологик усувлни, кейинги иккитаси синтактик усульнни ҳосил қилишини,

\* Профессор, Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари, e-mail:qurbanova2007@mail.ru.

\* Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси мустақил тадқиқотчisi, e-mail:s42813275@gmail.ru.

аммо кейинги усул аслида синтактик-морфологик усул эканлигини баён қилган.

Э.Фозиловнинг фикрига кўра, бир предметнинг маълум шахсга ёки предметга қарашли эканлигини ифодалаш уч йўл билан берилади: морфологик, синтактик, морфологик-синтактик усуллар.

Олий ўқув юртлари филология факультети талабалари учун ёзилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” (Р.Сайфуллаева ва бошқалар) ўқув қўлланмасида қарашилиллик/тегишилиллик термини ўрнида эгалик маъноси терминидан фойдаланилган. Китоб муаллифлари ўзбек тилида эгалик маъносининг қуидаги усулларда ифодаланишини қайд этишган:

“1) морфологик усулда эгалик маъноси эгалик шакли билан ифодаланади, аммо қаратувчи сўз келтирилмайди: *китобим*, *ўқиганинг, тақ-туқи*.

2) морфологик-синтактик усул. Бунда эгалик субъекти қаратқич келишигига, эгалик обьекти эгалик шаклида бўлади: *менинг китобим, сенинг ўқиганинг, болганинг тақ-туқи, гулнинг қизили*.

3) синтактик усул. Бунда эгалик субъекти қаратқич келишигига, эгалик обьекти эгалик шаклисиз бўлади: *бизнинг уй, сизнинг кўча*".

Англашиладики, ўзбек тилида қарашилиллик/тегишилиллик маъносининг ифодаланиш усуллари турлича. Бу усулларни ҳосил қилувчи тил бирликлари моҳияти, вазифаси ва қандай сатҳ бирликларига мансублигига кўра бир-биридан фарқланади.

**Асосий қисм.** Ўзбек тилида қарашилиллик/тегишилиллик маъноси морфологик усулда, аввало, эгалик аффикслари орқали ифодаланади. Э.Фозилов ҳам қарашилиллик/тегишилиллик маъносининг морфологик усулда маҳсус эгалик аффикслари орқали ифодаланишини кўрсатган. У бунга мисол сифатида қадимги туркий манбаларда учраган *алтмыши йаиымда* (*олтмиши ёшиимда*) бирикмасини келтирган. Дарҳақиқат, ўзбек тилида қарашилиллик/тегишилиллик муносабати морфологик усулда эгалик категорияси кўрсаткичлари билан ифодаланиши кузатилади. Аммо нутқимизда бу грамматик маъно *оид, доир* каби айрим кўмакчилар воситасида ҳам юзага чиқади.

Ўзбек тилида қарашилиллик/тегишилиллик маъносининг эгалик аффикслари билан ифодаланишида ўзига ҳос жиҳат мавжуд. Маълумки, эгалик аффиксими қабул қилган морфологик бирлик асосий ҳолларда қаратқич келишигидаги бирлик билан синтактик алоқага киришади. Аммо нутқда ҳар доим ҳам эгалик келишигидаги бирликнинг қаратқич келишигидаги бирлик билан синтактик алоқасига эҳтиёж юзага келавермайди.

Юкорида қайд этилган ўқув қўлланмада баён қилинишича, “қаратувчининг қўлланмаслиги қуидаги ҳолларда юз беради:

1) қаратувчи вазифасида ўзлик олмоши қўлланиши лозим бўлганда: *Ҳалим ўртоқларига хат жўнатди*;

2) қаратувчидан англашилган маъно олдинги гаплардан маълум бўлиб турган бўлса, услубий ортиқчаликдан қочиш мақсадида: 1. *Мен (менинг) севган қизимга уйландим.* 2. *(Менинг) Хотинимнинг отаси савдогар эди*;

3) таъкидлаш лозим кўрилмаганда: *Богимда анорим бор*".

Англашиладики, муайян нутқий шароитларда қаратқич келишигини қабул қилган посессор вазифасидаги бирликни қўллашга зарурат туғилмайди. Бундай ҳолатларда эгалик аффиксими олган от коррелятнинг ўзи билан гапда қарашилиллик/тегишилиллик маъноси ифодаланади. Масалан: *Юрагим пора –*

*Битта қизимни ҳам Узатолмадим...* (М.Юсуф. “Лолақизғалдок”)

Берилган шеърий парчада эгалик аффиксими олган от коррелят (*қизимни*) орқали қарашилиллик/тегишилиллик маъноси юзага чиқкан. Бундай типдаги гапларда *менинг* кишилик олмошини қўллашга зарурат юзага келмайди, чунки *қизимни* сўзидағи эгалик аффикси орқали бу олмошга ишора қилинади.

Қуидаги мисолда эса коррелят вазифасидаги ҳидинг, димогимга бирликлари орқали қарашилилек маъноси ифодаланган:

– *Хой, кимсан болам? Ҳидинг димогимга таниш.* (С.Аҳмад. “Жимжитлик”)

Берилган гапда гүё ҳидинг корреляти сенинг посессорисиз; димогим корреляти эса менинг посессорисиз қўллангандай туюлади. Аммо ҳар икки коррелятдаги эгалик аффикслари сенинг, менинг посессорига ишора қилиши сабабли уларни очик ифодалашга ҳожат қолмайди.

Қуидаги гапларда бошқачароқ ҳолат кузатилади:

1. *Мен кўчада болалар билан гап тортишганимда ҳам доим бошимдан камзулимни олиб ташлардим.* (А.Мухтор. “Опа-сингиллар”)

Берилган гапда бошимдан, камзулимни бирликлари орқали тана бош қисми ҳамда камзулнинг нутқ әгасига мансублиги (тегишлилiği) маъноси англашилади. Бундай вазиятда 1-шахс бирликдаги эгалик аффикси билан қўлланган бошимдан ҳамда камзулимни бирликларининг қаратқич келишигидаги ўзимнинг ёки менинг олмоши билан боғланишига эҳтиёж мавжуд эмас, ҳатто бундай бирикув ғализликни юзага келтиради.

2. – *Мен бинокор инженер бўлиб умримда биронта иморат қурганим йўқ! – дер эди у газабидан титраб.* (А.Мухтор. “Опа-сингиллар”)

Ушбу мисолда умримда бирлиги “умрим давомида” маъносида қўлланган бўлсада, гапда мазкур умрнинг нутқ әгасига тегишли эканлиги акс этган. Мазкур грамматик маъно эгалик аффиксининг ўзи билан юзага чиққан. Гапда умримда сўзининг менинг ёки ўзимнинг бирликлари билан синтактик алоқаси ғализликни юзага келтиради. Қиёсланг: – *Мен бинокор инженер бўлиб ўзимнинг (менинг) умримда биронта иморат қурганим йўқ!* – дер эди у газабидан титраб.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, эгалик аффиксини қабул қилган морфологик бирлик қўлланган ўринларда қаратқич келишигидаги бирликка эҳтиёж юзага келмаса, бу бирликнинг гапдан тушириб қолдирилганлиги ҳақида хулоса чиқариш нотўғри. Аксинча, бундай вазиятда қаратқич келишигидаги бирлик ҳатто гапга олиб кирилмаган деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Чунки аввал гап тузиб, сўнг ундан қаратқич келишигидаги бирликнинг олиб ташланиши мантиқсизdir.

Ўзбек тилида эгалик аффиксини қабул қилган морфологик бирлик ибора таркибида келиши ҳам мумкин. Бунда иборанинг айнан эгалик аффиксини қабул қилган компонентидан қарашилилек/тегишлилек маъноси англашилади. Қуидаги мисолни таҳлил қиласиз:

– ...*Кўзим очиқ пайтларда қаёқларда эдинг, тентагим?* (С.Аҳмад. “Жимжитлик”)

Берилган мисолда кўзим очиқ ибораси ишлатилган. Ушбу иборанинг кўзим компоненти эгалик аффиксини қабул қилган. Ибора яхлит бирлик саналса-да, унинг кўзим компонентидан қарашилилек/тегишлилек маъноси (*Кўз меники*) англашилади.

Гапда қўлланган эгалик аффиксидаги ундалмалар орқали ҳам, улар бевосита қаратқич келишигидаги бирлик билан бирикиб келмаса-да, қарашилилек/тегишлилек маъноси юзага чиқади. Масалан:

– *Қаёқларда юрган эдинг, болагинам?* (С.Аҳмад. “Жимжитлик”)

Кўринадики, болагинам ундалмасидаги -м эгалик аффикси орқали боланинг нутқ әгасига қариндошлик жиҳатидан қарашилилiği ифодаланган. Ушбу ундалмадаги эгалик аффикси менинг, ўзимнинг олмошларини қўллашга зарурат қолдирмаган. Шу жиҳатдан бундай ундалмаларда қарашилилек/ тегишлилек маъноси факат эгалик аффиксининг ўзи билан юзага чиққан деб ҳисоблаш мумкин.

Ўзбек тилида эгалик аффиксини қабул қилган морфологик бирликлар сифатловчи вазифасидаги бирликлар билан синтактик муносабатга киришган

холатларда ҳам бирикмада қарашлилиック/тегишлилик муносабати ҳосил бўлади. Масалан, *кексалик варақаси* бирикмасида эгалик аффиксидаги *варақаси* бирлиги сифатловчи мавқеидаги *кексалик* сўзи билан синтактик алоқага киришган. Бирикмадан “варақа инсоннинг кексалик даврига тегишли” маъноси англашилади. Нутқда бу типдаги бирикмалар кўп учрайди: *ёшилик давримда, таътил кунларим, чарчоқ ҳолатим* кабилар.

Хуллас, ўзбек тилида қарашлилиック/тегишлилик маъноси эгалик аффиксининг ўзи билан ҳам ифодаланади ва бундай вақтда эгалик аффиксими қабул қилган бирлик посессор ёки бирвактда посессор ва коррелят вазифасини бажаради.

Ўзбек тилида қарашлилиック/тегишлилик маъноси морфологик усулда кўмакчилар воситасида ҳам ифодаланади. Тилимизда грамматик маъноси асосида гапда қарашлилиック/тегишлилик муносабатини ҳосил қилувчи кўмакчилар мавжуд. Бундай морфологик бирликлар сифатида *оид, доир* кўмакчиларини кўрсатиш мумкин. Ушбу кўмакчилар “тегишлилик” грамматик маъноси асосида гапда қарашлилиック/тегишлилик мазмун муносабатини ҳосил қилади.

Ўзбек тилида гапда қўлланиб, қарашлилиック/тегишлилик мазмун муносабатини ҳосил қилувчи кўмакчилардан бири *оид* кўмакчисидир. Бу кўмакчи “тегишли, тааллуқли, доир” грамматик маъносига қўлланиб, қарашлилиック/тегишлиликни ифодалайди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу кўмакчига қўйидагича тавсиф берилган:

**OID** [a. – qaytuvchi, qaytib keluvchi] *ko 'm. Tegishli, taalluqli, doir. Ishq-muhabbatga oid she'rlar. Tarixga oid kitoblar. – Orada o 'tgan shu ikki oy ichida Ahmadjon... harbiy texnikaga oid ko 'p narsalar o 'rgandi.* (A.Qahhor, “Oltin yulduz”).

Мазкур изоҳдан англашиладики, *оид* кўмакчиси кўмакчили қурилма таркибида қарашлилиック/тегишлилик маъносини ифодалайди. Буни изоҳда келтирилган иллюстратив мисоллар ҳам далиллайди. Қуйидаги гапда қўлланган *оид* кўмакчили қурилмасининг грамматик маъносини таҳлил қиласиз:

*Қисм мудофаа линиясига боргунга қадар орада ўтган шу икки ой ичida Аҳмаджон уруши имига, ҳарбий техникага оид кўп нарсалар ўрганди* (А. Қаҳхор)

Берилган гапнинг “техникага оид кўп нарсалар” кўмакчили қурилмасидан “*Kўп нарсалар техникага тегишили*” ахбороти англашилади.

Ўзбек тилида *доир* кўмакчиси ҳам гапда қўлланиб, қарашлилиック/ тегишлилик маъносини ҳосил қилади. Бу кўмакчи “алоқаси, дахли бўлган, алоқадор, тегишли” грамматик маъносига қўлланганда, қарашлилиック/ тегишлилик маъносини ифодалайди. Ушбу маъно кўмакчили конструкция таркибидан англашилади. Масалан, *Физикага доир масалаларни ечдик гапида “физика доир масалалар”* кўмакчили қурилмасидан “*масалалар физика фанига тегишили*” ахбороти англашилади.

## Хулоса

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек тилида кўмакчилар ёрдамида ҳам қарашлилиック/тегишлилик грамматик маъноси ифодаланади.

Ўзбек тилида қарашлилиック/тегишлилик маъносининг ифодаланиш усуллари турлича. Бу усулларни ҳосил қилувчи тил бирликлари қандай сатҳ бирликларига мансублиги, вазифасига кўра морфологик, морфологик-синтактик, лексик усулларни фарқлаш мумкин. Тилда қарашлилиック/тегишлилик муносабати морфологик усулда эгалик категорияси кўрсаткичлари ҳамда *оид, доир* каби айрим кўмакчилар воситасида ифодаланади. Эгалик аффиксими қабул қилган морфологик бирлик асосий ҳолларда қаратқич келишигидаги бирлик билан синтактик алоқага киришади. Аммо қаратқич келишигини қабул қилган посессорни қўллашга зарурат туғилмаганда эгалик аффиксими олган от коррелятнинг ўзи билан қарашлилиック/ тегишлилик маъноси

ифодаланади. Эгалик аффиксини қабул қылған морфологик бирлик күлланған үринларда қаратқич келишигидаги бирликка әхтиёж юзага келмаса, бу бирликкінгапдан тушириб қолдирилғанлиги ҳақида холоса чиқариш нотұғри. Бундай вазиятда қаратқич келишигидаги бирлик ұтто гапга олиб кирилмаган деб ҳисоблаш түрі бўлади.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси (4-китоб). Ўзбек тилида аниқловчилар. Ўзбек тилида келишиклар. – Тошкент, 2008. – 140 б.
2. Андрей Д. Каксин. К вопросу о категории притяжательности и формах её выражения в хакасском языке / Tehlikedeki Diller Dergisi /Journal of Endangered Language/ Электрон манзил: <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/689697>
3. Асатурова С. Средства выражения категории принадлежности в разносистемных языках, в частности, в русском и грузинском (На материале русских и грузинских народных сказок) // <https://journals.4science.ge/index.php/TUW/article/view/1693/1646>
4. Бастракова Е.А. Некоторые особенности категории посессивности в русском языке в сравнении с другими языками // <https://scipress.ru/philo/ly/article/nekotorye-osobennosti-kategorii-posessivnosti-v-russkom-yazyke-v-sravnenii-s-drugimi-yazykami.html>
5. , 1996. – 264 с.
6. Гаджиев Н. Категория принадлежности в современном азербайджанском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Баку, 1975. – 22 с.
7. Гайнуллина Р.Г. Семантико-синтаксическая структура посессивных предложений: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тверь, 2002. – 19 с.
8. Гузев В.Г. Очерки по теории тюркского словоизменения: Имя (на материале староанатолийско-турецкого языка). – Л.: Изд-во ЛГУ, 1987. – 141 с.
9. Ғуломов А. Ўзбек тилида келишиклар / Труды Узбекского филиала АН СССР. Сер. 2. – Кн.2. –Т.,1941.

